ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ БОР

МУСТАҚИЛ РЕСПУБЛИКАМИЗ МЕҲНАТКАШЛАРИ БИРИНЧИ МАРТА ЎТКАЗИЛГАН УМУМХАЛҚ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИДАН КЕЙИНГИ БИР ЙИЛ ИЧИДА БУНГА ТЎЛА ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛДИЛАР.

Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Обуначига 1 сўм 50 тийин. Сотувда — 3 сўм.

1992 йил 29 декабрь, сешанба № 255 (21.353).

Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимини бажаришга киришар экан, қасамёд қилмоқда.

Ислом КАРИМОВ:

Янгиланиш ва ижтимоий тараққиётнинг ўзимиз танлаган йўли—мураккаб жараён бўлиб, республика ижтимоий турмушининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий-маданий ва бошқа барча соҳаларини қамраб олади.

1991 йил 29 декабрь Ўзбекистон тарихи саҳифаларига олтин ҳарфлар билан абадул-абад ёзиб қўйиладиган кундир. Бундан роппа-роса бир йил муқаддам Ўзбек халқи, Ўзбекистон ҳудудида яшовчи барча миллат ва элатлар референдумда қатнашиб, республика Олий Кенгаши эълон қилган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини маъқулладилар. Президент сайловида жуда кўпчилик юртимизнинг ардоқли, мард фарзанди, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Раиси Ислом Абдуғаниевич Каримов учун овоз берди. Бу билан улар энди ҳеч қачон орқага қайтмаслик, И. А. Каримов бошлиқ республика раҳбарияти ўтказаётган ички ва ташқи сиёсатни давом эттириш учун овоз берган эдилар.

1992 йил 4 январда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўқизинчи сессияси бўлди. Унда И. А. Каримов тантанали суратда: **«Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимини бажаришга киришар эканман, республикамиз халқларига садоқат билан хизмат қилишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қатъий риоя этишга, зиммамга юкланган вазифаларни виждонан бажаришга қасамёд қиламан»,** — деди.

Бир йил тарих учун арзимаган вақт. Аммо Ўзбекистон халқлари шу қисқа давр ичида мустақиллик неъматларини татиб кўришга, И. А. Каримов учун овоз бериб янглишмаганликларига амин бўлдилар. Истиқлол туфайли, Президент олиб бораётган тўғри, доно сиёсат шарофати билан жаҳонга чиқдик. БМТ-да Ўзбекистон байроғи мағрур ҳилпирамоқда. Бир юз йигирмадан зиёд чет эл мамлакатлари республикамизни мустақил давлат сифатида тан олди. Элликдан зиёд мамлакат билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси, Давлат байроғи, Герби ва Мадҳияси қабул қилинди.

Собиқ Иттифоқдаги аввалги шериклар билан иқтисодий алоқалар издан чиққанлигига қарамай ишлаб чиқариш муайян суръатларга тушиб бормоқда. Саноатимиз Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги бошқа республикалардагига нисбатан равон йўлдан кетяпти. Деҳқончиликда йил оғир келса-да, қишлоқ хўжалигида талайгина муваффақиятларга эришилди. Маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш муаммолари ҳукумат диққат марказида. Маънавий қадриятларни, миллий анъаналар ва урф-одатларни тиклаш, тарихни, меросимизни ўрганиш борасида катта ишлар қилиняпти. Ажойиб инсон, атоқли давлат ва жамоат арбоби, адиб Ш. Р. Рашидов таваллудининг 75 йиллиги чинакам халқ байрамига айланиб кетди. Кам таъминланган, кўп болали оилаларни, етим-есирларни, ногиронларни, якка-ёлғизларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашнинг аниқ-равшан дастури босқичма-босқич амалга оширилянти.

Энг асосийси — Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталик барқарор бўлиб турибди. Фуқаролар тотувлиги, аҳиллиги, иноқлиги — энг катта бойлигимиздир.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг иккинчи йилида кириб келаётган 1993 йилни келажакка умид кўзи билан кутиб олаётир.

Ислом КАРИМОВ:

Ўз мамлакати билан фахрланадиган инсон жуда кўп нарсаларга қодирдир.

Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади.
Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан).

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПОЙТАХТИ НУКУС ШАҲРИНИНГ 60 ИЙЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БАРЧА ФУҚАРОЛАРГА

МУРОЖААТИ

Азиз элдошлар!

Қадрли дўстлар!

Биз, Қорақалпоғистон пойтахти — Нукус шаҳрининг 60 йиллик тантаналари қатнашчилари, сиз, азиз юртдошларимизга мурожаат қилиб, бугунги байрам тантаналари мустақил Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаси халқларининг улуғвор дўстлик ва қардошлик байрамига айланганини билдириш билан бирга, бу қадимий дўстлик ришталари янада маҳкамроқ боғланганини қувонч ва ғурур билан таъкидлаймиз.

Бу дўстлик байрами нафақат Қорақалпоғистонда, балки бутун Ўзбекистонда қутлуғ шодиёналарга уланди ва мустақил республикамиз бошдан кечираётган улуғвор ва тарихий кунларни яна бир ёрқин саҳифа билан бойитди. Халқимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳурматли Ислом Каримовдан у олиб бораётган сиёсат элимизда тинчликни, осойишталик ва ҳамжиҳатликни, ҳамкорлик ва якдилликни сақлаб турганидан беҳад миннатдор бўлмоқда.

Яқингинада ўз ишини тамомлаган Ўзбекистон Олий Кенгаши сессиясининг самарали бўлгани, уюшқоқлик билан ўтгани, Президентимиз Ислом Каримовнинг эртанги кунимизга умид туғдирувчи нутқи, мустақил юртимизнинг асосий қонуни — Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилиниши ҳар биримизни ўз иш ўрнимизда фидокорона, халол меҳнат қилишга, юрт фаровонлигини ошириш, дастурхонни тўкин қилиш учун белни маҳкам боғлаб меҳнат қилишга ундамоқда.

Биз бозор иқтисоднётига ўтиш даврининг қийинчиликларини жуда яхши англаб турибмиз. Бу қийинчиликларни бартараф этиш биздан сабр-қаноат, матонат ва журъат, куч ва билим талаб қилади. Ҳаммамиз сезиб турганимиздек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги айрим республикаларда нотинчлик, қон тўкилиши, низолар минглаб одамлар бошига қанчадан-қанча кулфат солмоқда. Фарзанд ота-онадан, ота-она фарзандидан жудо бўлмоқда.

Шуни қувонч билан таъкидлаш керакки, мушкул дамларда ҳам биз қадимий ва бузилмас тарихий дўстлик ва ҳамкорлигимиз анъаналарини давом эттирмоқдамиз.

Биз қатъий ишонамизки, Нукус шаҳрининг 60 йиллик байрами, мустаҳкам дўстлик ва қардошлик анъаналари Қорақалпоғистон халқини Орол бўйи табиий офати қийинчиликларидан олиб чиқишга, бу бой ўлканинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланишига ойдин йўл очиб беради. Дарҳақиқат, қудратимиз дўстликдадир.

Ўзбек ва қорақалпоқлар республиканинг бошқа халқлари билан биргаликда жумҳуриятимизда низо чиқишига ҳеч қачон йўл қўймайдилар.

Биз аминимизки, мустақил Ўзбекистон халқи бугунги қийинчиликлардан тез чиқиб олади. Ўзбекистон — келажаги буюк давлатдир!

Азиз элдошлар! Қадрли дўстлар!

Сизларга яна бир бор мурожаат қилиб, Ўзбекистонимизда дўстлик ва қардошликни мустаҳкамлашга, тинчлик ва осойишталикни, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни эъзозлаб, самарали меҳнат қилишга даъват этамиз. Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик тилаймиз, республикамиз равнақи йўлидаги ишларингизда зафар ёр бўлаверсин!

Яшасин дўстлик ва қардошлик!

Яшасин мустақил Ўзбекистон!

«МАЛИКА» ТРИКОТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИГА

Муҳтарам дўстлар!

Қадрли опа-сингиллар!

Сизларни, бирлашманинг барча аъзоларини, ишчилари, инженер-техник ходимларини, шунингдек, меҳнат фахрийларини ажойиб сана—корхонангиз ташкил топган куннинг 50 йиллиги билан чин қалбимдан табриклайман.

«Малика» бирлашмаси ғоят шонли ва ибратли йўлни босиб ўтди. Эндиликда юксак механизациялашган, илғор техника ва технология билан жиҳозланган йирик замонавий корхонада турли миллат вакиллари аҳил ва ҳамжиҳат меҳнат қилмоқдалар. Зийрак ва билимдон, моҳир ва меҳрибон опа-сингилларимизнинг кўз нурлари, заргарона меҳнатлари билан яратилаётган халқ истеъмоли маҳсулотлари бугун республикамиздан ташқарида ҳам эътибор қозонаётгани ғоят қувонарлидир.

Азиз дўстлар!

Келажакда «Малика»нинг довруғи янада ортиб, қитъалар оша таралишига ишонаман. Мустақил республикамиз шон-шуҳратини мустаҳкамлаш йўлидаги ишларингизда улкан зафарлар тилайман.

Кириб келаётган 1993 йилда барчангизга катта бахт-саодат, омад ёр бўлсин!

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
Ислом КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 25 декабрь.

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўмининг партия аъзолари ва республиканинг барча фуқароларига Янги йил

ТАБРИГИ

Қадрли дўстлар!

Азиз ҳамюртлар!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши номидан партиядошларимизни, республикамизнинг ёшу қари барча аҳолисини кириб келаётган янги, 1993 йил билан қизғин муборакбод этамиз.

Биз хайрлашаётган 1992 йил, турли қийинчиликлар ва мураккаблигига қарамасдан, мамлакатимиз тарихидан муносиб ўрин эгаллайди. Унинг давомида Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш учун муҳим қадамлар қўйилди. Республикамиз Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон раҳбарияти иқтисодий танглик оқибатларини юмшатиш мақсадида бозор муносабатларига аста-секинлик билан ўтиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, юрт тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш сиёсатини изчиллик билан амалга оширмоқда. Ҳур Ўзбекистонни бугунги кунда бутун жаҳон таниди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти каби кўплаб мўътабар халқаро ташкилотлар уни ўз сафларига қабул қилдилар.

Республикамизда амалга оширилган ишларда, халқ манфаатлари йўлида қилинаётган жами саъйи ҳаракатларда партиямиз аъзоларининг ташаббуси, куч-ғайрати ва меҳнати борлигини мамнуният билан қайд этамиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши билан демократик, инсонпарвар жамиятни ҳамда ҳуқуқий давлатни барпо этиш, ўткир иқтисодий муаммоларни бартараф қилиб, ўлкамизни ривожланган мамлакатлар даражасига кўтариш, халқимизнинг турмуш шароитини яхшилаш, маданиятимизни равнақ топтиришдек партиямизнинг дастурий ғояларини рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратилди.

Азиз дўстлар ва биродарлар!

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилида бошлаган улуғвор ишларни Янги йилда қатъийлик билан давом эттирайлик, озод Ватанимизнинг равнақи учун ақл-заковатимизни, серунум меҳнатимизни, фидойилигимизни аямайлик.

Янги йилда ҳар бир хонадонга, ҳар бир фуқарога сабот ва бардош, осойишталик ва қут-барака, соғлиқ, яхши кайфият ва бахт-саодат тилаймиз.

1993 йилингиз қутлуғ бўлсин!

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши
Сиёсий ижроқўми

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори

1993 ИЙЛ 1 ЯНВАРДАН БОШЛАБ МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ЯГОНА ТАРИФ СЕТКАСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Иш ҳақининг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш, турли тоифалардаги ходимлар меҳнатига меҳнатнинг мураккаблиги ва ходимларнинг малакасига боғлиқ ҳолда ҳақ тўлашнинг асосланган даражаларини белгилаш, бу даражаларни бундан буён сақлаб туриш воситасини вужудга келтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади.

1. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси тасдиқлансин. Халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларидаги ходимлар учун қўлланиш соҳасидан қатъи назар, меҳнатга ҳақ тўлашга ҳолисона ёндашишни таъминловчи турли тоифалардаги ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш даражаларини ягона услубий негизда табақалаштириш ягона тариф сеткасига асос қилиб олинсин.

2. Энг кам иш ҳақи (ойига 2000 сўм) миқдоридаги бошланғич разряднинг таъриф ставкаси ва разрядлараро тариф коэффициентлари иловага мувофиқ ягона тариф сеткасига асос қилиб белгилансин.

3. Ишчи ва хизматчиларнинг умумтармоқ лавозимлари бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг 28 разряди тасдиқлансин.

4. Ягона тариф сеткаси асосида ҳисобланган, тариф ставкаларига район коэффициентлари бўйича тўловлар ҳам киритилган ҳолда, амалдаги имтиёзлар, қўшимча тўловлар ва устама ҳақлар сақлаб қолинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги:

Бир ҳафта муддат ичида вазирликлар, идоралар, бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ягона тариф сеткасининг жорий қилиниши билан боғлиқ бўлган зарур ташкилий ва методик ишларни амалга оширсин;

халқ хўжалиги ишчи ва хизматчиларининг меҳнатига ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини жорий қилишга доир тавсияларни ишлаб чиқсин ва 1993 йил 15 январгача тасдиқласин.

6. Белгилаб қўйилсинки, ягона тариф сеткасини қўл-

(Давоми иккинчи бетда).

ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ҒОЯЛАРИ—

Тинчлик, фаровонлик ва халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш йўлидаги ҳаракатлар.

ЭЛ СУЙГАН ЮРТБОШИ

Эсимда. Бундан бир йил аввал мустақил Ўзбекистоннинг эркин фуқароси сифатида сайловда иштирок этиб, комил ишонч билан Президентликка Ислом Каримов номзодини ёқлаб овоз бергандим. Тўғриси, биргина мен эмас, сайловчиларнинг 86,0 фоизи ушбу номзодни юртбошиликка лойиқ деб топишганди.

Бу, бежиз эмасди. Негаки, Ислом Каримов қисқа вақтда ўзининг раҳбарлик ҳислатларини намоён қилган, собиқ Иттифоқ марказида тўқилган «Ўзбеклар иши» «Пахта иши» деган уйдирмаларга афсонавий қудрат ва жасорат билан зарба бериб, халқимизнинг бегуноҳ фарзандлари номини оқлаган, республиканинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий мустақиллигини таъминлаш учун тинимсиз курашган матонатли арбоб сифатида танилди.

Шу боис ҳам сайловда халқимиз иккиланиб ўтирмади. Ислом Каримовни Президентликка маъқул топди.

Кўпчиликка маълум, республика енгил саноат корхоналари 1985 — 90 йилларда иқтисодий инқироз ботқоғига тушиб қолганди. Ўтган йили шахсан Президент ташаббуси билан енгил саноат тизимида бошқарувнинг янги усуллари жорий қилиниб, «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси ташкил этилди. Бу эса тармоқда эркин фаолият, ижобий силжишлар учун кенг имконият яратди. Айни пайтда республика раҳбари енгил саноат корхоналари ишлаб чиқаришини янгилаш, уларни замонавий технология билан таъминлаш ишига амалий ёрдам бердилар. Натижада тармоқ ривожланиб, халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш ҳажми ортди.

Халқни ўйлаган юртбоши кам бўлмайди. Халқ уни ардоқлайди. Ислом Каримов — халқ севган арбоб. Унинг ҳалол ва адолатпешалиги, юрт равнақини ўйлаб амалга ошираётган ишларини кўриб, тўғри баҳолаган халқимиз ўз орзу-умидларининг рўёбга чиқишини у билан боғлашяпти. Шу боис юртимизда тинчлик, осойишталик, қалбларимизда келажакка ишонч ортмоқда. Эртанги кунга ишонч бўлгач, яратувчилик йўлидаги саъй-ҳаракатлар дадил давом этиши тайин.

У. ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси енгил саноат давлат уюшмаси бошқарувининг раиси.

ДЕМОКРАТИЯ ПОЙДЕВОРИ

XX асрнинг 1991 йили мустақил Ўзбекистон тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилиб қолади. Бу республикада ҳали тарих билмаган ижтимоий-сиёсий воқеалар юз бериши билан изоҳланади. Жумладан, 1991 йил 31 август куни Ўзбекистон мустақил республика дея эълон қилинди. 29 декабрга келиб республика тарихида биринчи марта муқобиллик асосида демократик сайловлар бўлиб ўтди.

Энг муҳими, ушбу сайловлар натижаси сифатида юртимизда илк бор президентлик лавозими таъсис этилиб, жаҳон ривожланган мамлакатлари қатори бизда ҳам ҳақиқий демократияга асос солинди. Дарвоқе, собиқ Иттифоқ республикалари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистонда президентлик бошқарувининг жорий этилиши Республикамизнинг халқаро миқёсдаги обрўсини ошириб юборди. Республикага ва унинг халқига бўлган муносабат тубдан ўзгарди.

Буни қарангки, илк сайловдаёқ халқимиз адашмади — эл суйган раҳбар Ислом Каримов кўп овоз олди ва Ўзбекистон республикасининг биринчи Президенти этиб сайланди. Миллатсевар, халқпарвар Президентимиз фаолиятининг бошиданоқ жасоратли қадамлар ташлади. Ўзбекистоннинг ўз йўли бор, дея ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг аниқ йўли ва дастурини белгилаб берди.

Республикада янги бошқарув тизими—ҳокимият ва ҳокимлар тузилмаси юзага келгани ҳам ўзбек давлатчилигига пойдевор қўйилганидан далолат. Мустақиллик туфайли ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги кўпгина масалаларга янгича ёндашиш талаб этилмоқда. Бошқарув ҳокимиятини мустаҳкамлаш, Президент фармонларининг жойларда амалга ошишини таъминлаш, раҳбар кадрларнинг масъулиятини ошириш мақсадида вилоят, шаҳар ва районларда ҳокимлик лавозими таъсис этилгани айни муддао бўлди. Ҳозир жойларда тайинланган ҳокимлар халқ билан ҳамжиҳат иш олиб боришга ҳаракат қилмоқда.

Бошқарувнинг бу тизими юртимизда тинч-осойишта яшаш, меҳнат қилишга шароит яратиб бераётганининг ўзи катта неъмат.

А. МУҲАММАДҚУЛОВ,
Самарқанд вилоят Челак райони ҳокими, Ўзбекистон Республикаси халқ нойби.

Ислом КАРИМОВ:

Ўзбеклар диёрига, ўз Ватанига меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварлик, билимга, устозларга, маърифатпарварларга нисбатан алоҳида ҳурмат-эҳтиром—Ўзбекистон аҳолисига хос фазилатдир.

«МАЛИКА»НИНГ ҚУТЛУҒ ЁШИ

Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнатчилари корхонанинг ярим асрлик юбилейини нишонладилар.

1942 йилда Ростов-Дондан кўчириб келтирилган фабрика негизида Ўзбекистонда дастлабки трикотаж корхонаси барпо этилган эди. Ўша вақтда корхонада 30 га яқин дастгоҳ бўлиб, 120 киши ишлар эди. Ҳозир «Малика» йирик замонавий корхонадир, унда олти минг киши ишлайди.

Тошкент трикотажчиларининг ярим асрлик юбилейига бағишланган тантанали йиғилишда шу ҳақда гапирилди. Бу йиғилиш 28 декабрь куни Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг табрикномаси ўқиб эшиттирилди.

Президент унда бирлашма жамоасини шонли юбилей билан самимий табриклайди. Тўпланганлар табрикномани қарсаклар билан қутиб олдилар.

Йиғилишда Тошкент шаҳрининг ҳокими А. И. Фозилбеков қатнашди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ТОШКЕНТДАГИ «МАЛИКА» ТРИКОТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, республикада енгил саноатни ривожлантиришдаги хизматлари ва жамоат турмушида фаол иштирок этганликлари учун қуйидагиларга Ўзбекистон Республикасининг Фахрий унвони берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»

Ғуломов Рустам Маҳкамович — бирлашма бош директори

Ҳантова Зуҳра Миржалиловна — устки трикотаж фабрикасининг тикувчиси

ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

Абдуллаев Зикрилла Лутпуллаевич — цех бошлиғи

Ермеева Екатерина Павловна — тажриба цехининг тикувчиси

Исроилова Зуҳра — 2-фабриканинг тикувчиси

Обидов Маҳамадамин Исроилович — цех бошлиғи

Убайдуллаев Карим — бош механика цехининг автокран ҳайдовчиси

Шерматова Хатира — 1-фабриканинг тикувчиси

Эрматова Написа Турсунбоевна — 2-бичув-тикув цехининг тикувчиси

Ҳантова Машкура Суннатовна — тўқув цехининг тўқувчиси

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 25 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ АНГОР ТУМАНИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ангор тумани ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришга қўшган ҳиссалари, кўп йиллик ҳалол меҳнатлари ва туманнинг ташкил топганига 40 йил тўлиши муносабати билан қуйидагилар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН

Абдурасулов Бозор — Ангор тумани фельдшерлик-акушерлик пункти мудири

Маманазаров Бекча — Хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна қурувчилар бригадаси бошлиғи

Мусаев Бозор — «Занг» жамоа хўжалиги механизатори

Мустанов Жума — М. Азизов номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи

Тўраев Холмўмин Эшбўриевич — «Мустақиллик» жамоа хўжалиги бригада бошлиғи

Ҳожиев Қурбонмурот — «Новшаҳар» жамоа хўжалиги аъзоси

Чориев Гулшан Ғоипович — «Қорасув» жамоа хўжалиги бош зоотехниги

Чориев Нодир — Ангор тумани матлубот жамияти бош ҳисобчиси муовини

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 28 декабрь.

ВИЛОЯТ КЕНГАШЛАРИНИНГ СЕССИЯЛАРИ

Халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси якунлари ва вилоят ҳокимлигининг келаси йилдаги вазифалари муҳокама этилди. Вилоят ҳокими Қ. Холмирзаев шу ҳақда маъруза қилди. Депутатлар 1993 йилда вилоят халқ хўжалигини ривожлантириш ва вилоят бюджетининг асосий йўналишлари тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқдилар.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков нутқ сўзлади.

* * *

Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашининг сессияси бўлди. Анжуман қатнашчилари вилоят ҳокими Д. Ёдгоровнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн биринчи сессияси якунлари ва ҳокимликнинг 1993 ва кейинги йиллардаги вазифалари хусусидаги маърузасини муҳокама қилдилар.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Самаядаров сўзга чиқди.

* * *

Наманганда халқ нойблари вилоят Кенгашининг сессияси бўлди. Сессия қатнашчилари ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн биринчи сессиясининг якунлари ва вилоят ҳокимлигининг 1993 йилги ҳамда ундан кейинги даврдаги вазифаларини муҳокама қилдилар. Вилоят ҳокими Б. Рафиғалиев маъруза қилди.

Сессия қатнашчилари вилоят меҳнаткашлари номидан Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовни Янги йил билан табриклаб телеграмма юбордилар.

Сессияда ташкилий масала кўриб чиқилди.

* * *

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгаши анжумани Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн биринчи сессиясининг якунлари ҳамда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 1993 ва кейинги йиллардаги асосий кўрсаткичларини муҳокама қилишга бағишланди. Вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов шу ҳақда маъруза қилди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат назорат комитети раиси М. Мирқосимов сўзга чиқди.

(ЎзА).

1993 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН БОШЛАБ МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ЯГОНА ТАРИФ СЕТКАСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

ланиш бюджетдан маблағ билан таъминланадиган барча муассасалар, ташкилотлар ва корхоналар учун мажбурийдир.

7. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда икки ҳафта муддат ичида амалдаги ставкалар ҳамда окладларни ягона тариф сеткаси талабларига мувофиқ қайта кўриб чиқсинлар.

8. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, хўжалик ҳисобидаги бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларга уларнинг тайёрлиги ҳамда зарур миқдорда молиявий маблағлари мавжудлигига қараб 1993 йилнинг 1-ярмида ягона тариф сеткасини жорий этишга ўтиш тавсия қилинсин.

9. Ушбу қарорга мувофиқ ходимлар учун тариф коэффициентларини, устама ва қўшимча тўловларни ҳисобга олиб жорий этиладиган ставка (оклад)лар амалдаги ставка (оклад)лардан кам бўлган тақдирда мазкур ходимларга уларнинг ушбу муассасада, ташкилотда шу вазифада ишлаган вақти учун иш ҳақидаги тегишли фарқ тўланади.

10. Меҳнат вазирлигига касбларнинг тариф-малака маълумотномасида ўз акси топмаган касблар (лавозимлар)ни ягона тариф сеткасининг тегишли разрядларига киритиш ҳуқуқи берилсин.

11. Меҳнат вазирлиги, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари ягона тариф сеткасига мувофиқ бюджетдаги ташкилотларнинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларига риоя этилишини назорат қилсинлар.

12. Белгиланснки, ушбу қарор билан тасдиқланган ягона тариф сеткасига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шартлари меҳнатга ҳақ тўлаш учун мавжуд бўлган маблағлар, шунингдек, бошқарув тузилмасини такомиллаштириш ва хўжалик фаолиятини кенгайтириш тадбирларини ўтказишдан тушган қўшимча маблағлар ҳисобига ва шунинг доирасида жорий қилинади.

13. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда 20 кун муддат ичида ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан амалдаги меъёрий ҳужжатларга ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифларни тайёрласин ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

14. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосарлари зиммасига юклатилсин. Қарорнинг қандай бажарилаётгани 1993 йил февраль ойида кўриб чиқилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 26 декабрь.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1992 ЙИЛ 26 ДЕКАБРДАГИ ҚАРОРИГА ИЛОВА

МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ЯГОНА ТАРИФ СЕТКАСИ

1 устун — меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари;	2-устун — таъриф коэффициентлари
0	1,00
1	1,11
2	1,23
3	1,37
4	1,52
5	1,69
6	1,88
7	2,09
8	2,32
9	2,54
10	2,78
11	3,04
12	3,33
13	3,65
14	4,00
15	4,38
16	4,80
17	5,26
18	5,76
19	6,31
20	6,91
21	7,57
22	8,29
23	9,08
24	9,94
25	10,88
26	11,91
27	13,04
28	14,28

ИЗОҲ. Ягона тариф сеткасининг разрядлараро ўтиш коэффициентлари:

1—8 разрядлар коэффициент 1,11

9—28 разрядлар коэффициент 1,095

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Бозор муносабатларини шакллантириш ва эркин нархларнинг жорий этилиши шароитларида республика ҳукумати томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга доир, шу жумладан, иш ҳақи, пенсиялар ва нафақаларни босқичма-босқич ошириш асосида аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Фақат 1992 йилда республикамизда энг кам иш ҳақи миқдори 5 маротаба кўриб чиқилди ва узлуксиз ошириб борилди. Ҳозирги вақтда унинг миқдори МДҲ мамлакатларигдагига нисбатан энг юқори ҳисобланади. Шу билан бирга Ўзбекистонда истеъмол товарлари нархлари нисбатан пастдир.

Бироқ шундай ҳоллар мавжудки, иқтисодиётнинг турли соҳаларида бир хил малакадаги тенг меҳнатга турлича миқдорда иш ҳақи тўланмоқда. Иш ҳақи миқдорлари бўйича анчагина тафовутга йўл қўйилмоқда. Бунинг натижасида меҳнат унумдорлигини ва малакани оширишга хизмат қилувчи рағбатлар ўртасидаги, иш ҳақи билан бажариладиган ишлар мураккаблиги ўртасидаги боғлиқлик сусайиб кетди. Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларида мутахассислари меҳнатига ҳақ тўлаш даражасида кескин тафовутлар мавжуд. Ушбу номутаносибликнинг кучайишини бартараф этиш ва ходимларнинг турли тоифалари иш ҳақида улар меҳнатининг мураккаблигига ва малакасига боғлиқ ҳолда, асосланган нисбатларни қарор топтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси «1993 йил 1 январдан бошлаб меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Ягона тариф сеткаси негизига энг кам иш ҳақи миқдори ҳамда меҳнатнинг мураккаблиги ва ишларнинг малакасини ҳисобга олувчи табақалаштирилган коэффициентлар асос қилиб олинди. Унинг ҳам халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш ва ҳам ноишлаб чиқариш тармоқлари ходимлари учун қўлланиш соҳасидан қатъи назар, бу коэффициентлар меҳнатга ҳақ тўлашга объектив ёндашишни таъминлайди.

Ягона тариф сеткасини жорий этиш, энг аввало, иш ҳақининг рағбатлантирувчи роли принципларини тиклашни назарда тутади. Ҳукумат томонидан қабул қилинган қарор билан республикада меҳнатга ҳақ тўлашнинг 28 разряди жорий этилади. Мазкур разрядлар тариф ставкаларининг энг паст разряддан энг юқори разрядга томон мўътадил ошиб боришини таъминлайдики, бу қарорнинг иловасида кўрсатилган.

Ягона тариф сеткаси ҳар бир ходимга ўзи бажараётган ишнинг мураккаблигига ва ўзининг малакасига боғлиқ ҳолда ўз меҳнати учун оладиган иш ҳақини аниқ белгилаб олиш имконини беради.

Масалан, машинасозлик корхонасининг 6-разрядли ишчиси учун иловага мувофиқ тариф коэффициенти, 1,98 қилиб белгиланади. 2000 сўм миқдоридаги энг кам иш ҳақи бўйича тариф ставкаси 3760 сўм қилиб белгиланади (2000x1,88). Олинган тариф ставкасининг миқдори учун 1,10 га тенг бўлган тармоқ коэффициенти қўлланилади. Натижада мазкур ишчининг тариф ставкаси миқдори 4136 сўмни ташкил қилади (3760x1,10).

Яна бир мисол, 4-разрядли гишт терувчи учун 1,52 тариф коэффициенти белгиланади, тармоқ коэффициенти эса 1,28 ни ташкил этади. 2000 сўм миқдоридаги энг кам иш ҳақи бўйича гишт терувчининг тариф ставкаси 3890 сўмни ташкил этади (2000x1,52x1,28).

Биринчи тоифадаги малакали ўқитувчи 8-разрядга мансуб бўлади, тариф коэффициенти — 2,32. 2000 сўм миқдоридаги энг кам иш ҳақи бўйича тариф ставкаси 4840 сўмни ташкил этади (2000x2,32).

Биринчи тоифадаги малакали врач 8-разрядга мансуб бўлади, унинг учун тариф коэффициенти 2,54 қилиб белгиланади. 2000 сўм миқдоридаги энг кам иш ҳақи бўйича унинг тариф ставкаси 5080 сўмни ташкил этади (2000x2,54).

Ягона тариф сеткаси, бажариладиган ишларнинг ҳажми ва мураккаблигига қараб, ҳар бир лавозим бўйича аниқ окладлар белгилашга имкон берувчи 5 разрядли диапазонни назарда тутади. Масалан, 1—5-диапазонларга мансуб бўлган бошқа ихтисосликлардаги врачлар билан солиштирганда мураккаброқ ҳисобланадиган жарроҳнинг меҳнати 5-диапазонга мансуб бўлади.

Бир хил малакадаги, лекин ишлар ҳажми ҳар хил бўлган қурилиш ташкилотларида ишловчи ва меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича турли гуруҳларга мансуб бўлган қурувчи мутахассислар тегишли разряднинг биринчи ва бешинчи диапазони оралиғида бўладилар.

Шуни таъкидлаш керакки, янгидан белгиланган ставкалар ва окладлар асосида тариф сеткасини жорий этишда илгари амалда бўлган барча қўшимча ҳақлар, устамалар, шу жумладан, район коэффициентлари бўйича тўловлар ҳам сақланиб қолади. Бошқача айтганда, ҳар бир ходим эгаллаган лавозими ва малакасига қараб меҳнатга ҳақ тўлашнинг ўсишида ўз келажагини аниқ кўради.

Ягона тариф сеткасини жорий этишда ходимнинг бугунги кунда оладиган иш ҳақи янги тариф сеткаси жорий этилиши натижасида ҳисобланадиган иш ҳақидан кам бўлган ҳолларда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ўзгаришсиз қолади.

Ягона тариф сеткасининг жорий этилиши иш ҳақи, энг аввало, корхона фаолиятининг пировард натижаларига боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш соҳаси ходимлари манфаатларига мутлақо зиён етказмайди.

Ягона тариф сеткаси асосида меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этиш иш ҳақининг асосий-тариф қисмини шакллантиришда умумийликни яратиш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг бошқа элементларини (устама, мукофотлар ва бошқаларни) ривожлантириш билан биргаликда эса иш ҳақи миқдорларини лавозим, малака ва одамларнинг ўз меҳнати пировард натижаларига муносабатига кўра бошқариб боришни таъминлаш имконини беради.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Куни кеча XXI чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўнинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессия ишини Тошкент шаҳар Кенгашининг раиси шаҳар ҳокими А. И. Фозилбеков очди.

Сессия кун тартибидан Тошкент шаҳрини 1992 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва Ўзбекистон Республикаси Олий кенгаши ўн биринчи сессияси якунларидан келиб чиқадиган 1993 йилги муҳим вазифалар, жорий йилги бюджет ижросининг якунлари ва шунингдек, Тошкент шаҳрининг 1993 йилги бюджетининг асосий жиҳатлари тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Шунингдек, сессияда «Тошкент шаҳар ҳокими ва унинг ваколатли ҳокимият идоралари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш асослари тўғрисидаги Низом»га ва «Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши иш тартибига» ўзгартишлар киритилди. Бундан ташқари шу кунинг муҳим масалалари ҳам ҳар томонлама кўриб чиқилди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари М. Қорабоев нутқ сўзлади.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Б. Умурзоқов иштирок этди.

(ЎзА).

ХАЛҚИМИЗНИНГ МАСЛАГИ ВА МАҚСАДИДИР



Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

Ислом КАРИМОВ:

Ўзбекистонда тинчлик ва тотувликни барқарор этиш, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ СИЁСАТИДАН БЕНИҲОЯ МАМНУНМИЗ

И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти бўлиб сайлганганига бир йил бўлди. Лекин шу ўтган қисқа давр мобайнида Президентимиз ташқи ва ички сиёсатда неча ўн йилларга татийдиган ишларни амалга оширди. Кўп мамлакатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатилди, улар билан иқтисодий ва маданий ҳамкорлик кун сайин ривожланиб бормоқда. Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтаётган бир пайтда юзага келаётган қийинчиликлардан чиқишнинг зарур тадбирлари амалга оширилмоқда.

Республикамизнинг саноати, қурилиши, транспорти, айниқса қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда катта ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги пайтлар районимизда, хўжалигимизда кичик корхоналар, ёрдамчи ва фермер хўжаликлари вужудга келди. Уларнинг сони тобора ошиб бормоқда. Ишчилар, хизматчилар, зиёлиларнинг ойлик иш ҳақлари кўпаймоқда.

Президентимиз уруш ва меҳнат ветеранлари, ногиронлар, кам иш ҳақи оладиган, кўп болали оилалар, боқувчисиз қолганлар, талабаларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга қаратилган Фармонлар чиқарди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган ўн биринчи сессиясида мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси қабул қилинди. Бу Конституцияни Қорақалпоғистон халқи якдиллик билан маъқуллямоқда, қўллаб-қувватламоқда. И. А. Каримовнинг шу сессияда сўзлаган нутқи барча ишларимизнинг дастури бўлиб хизмат этади.

Бу йилги табиий офатларга қарамай хўжалигимизда 6400 тонна пахта етиштирилди. Белгиланган режа ошириб адо этилди. Хўжалигимизда ишлаётган ишчиларга, зиёлиларга, медицина, маданият ходимларига 25 сотихдан ер ажратиб берилди. Ем-хашакдан ёрдам кўрсатилмоқда.

Ўзбекистонимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида Президентимиз И. А. Каримов атрофига янада жипслашамиз, келгусида пахта, сабзавот, полиз, чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун астойдил меҳнат қиламиз.

Бердибой ҚУРБОНОВ,
Хўжайли районидаги «Тошкент» давлат хўжалиги директори, Меҳнат Қаҳрамони.

ЯНГИ КУПОН ОЛДИНГИЗМИ?

26 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов раислигида Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йилда истеъмол бозорини ҳимоя қилиш юзасидан қабул қилган қарорини амалга ошириш комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда 1992 йилги купон тизими мамлакат истеъмол бозорини ҳимоя қилишда анча самаралар бергани, бироқ унга ҳар доим ҳам риоя қилинавермагани оқибатида жиддий камчиликларга ҳам йўл қўйилгани рўй-рост айтилди. Ўтаётган йил тажрибалари асосида янги купон тизими ишлаб чиқилди. Бу тизим келгуси йили истеъмол бозорини барқарорлаштиришда катта аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Мажлисда, шунингдек, янги йилгача республика аҳолисига 1993 йил купонларини етказиб бериш билан боғлиқ талай масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА).

• ДИЛДАН АЙТИЛГАН ГАПЛАР

ДОРИЛАМОН ЗАМОНЛАР БЎЛАДИ

Президент сайлови республикамиз ижтимоий ҳаётида ёрқин саҳифа очган эди. Истиқлол солномасидан муносиб ўрин олган ана шу тарихий воқеага ҳам бир йил бўлди. Мухбиримиз шу муносабат билан диёримизнинг таниқли маданият намояндаларига: «Президент сайловидан кейинги даврга муносабатингиз?», деган савол билан мурожаат қилди.

ЖАҲОНГА ЮЗ КЎРСАТИБ...

Музаффар ХАЙРУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги.

— Муҳтарам Президентимизни бир овоздан сайлаганимизга ҳам бир йил бўлди. Албатта, тарихан бу қисқа даврга ўхшайди. Лекин, ўтган ойлар мобайнида истиқлол нафасидан баҳраманд ўлкамизда бағоят улкан ўзгаришлар содир бўлди. Демократия ва фикрлар хилма-хиллиги юзага келди. Маданиятимиз, меъросимизга муносабат ўзгарди. Маънавий сарчашмамиз бўлмиш миллий маданиятимизни, қадриятларимизни тиклаш бошланди. Ваҳолонки, ҳеч бир миллат-у халқни ўзининг ўтмишисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Хусусан, Исмоил Бухорий, Нақшбандий, Амир Темур каби авлод-аждодларимизнинг номлари покланди. Олиму-фозилларимиздан Форобий, Хоразмий, Улуғбек, Бобур меросига янгича қараш. Ўрганиш ва уни эъзозлаш йўлга қўйилмоқда. Классик адабиётимиз намояндаларига муносабат янгича маъно касб этмоқда. Яқин ўтмишдаги Чўлпон, Фитрат, Авлонийлар орзу қилган истиқлол куртаклари ёзилмоқда.

Мустақил диёримизни жаҳон мамлакатлари эътироф этмоқдалар. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлдик. Хорижий давлатлар билан маданий, иқтисодий алоқалар йўлга қўйилмоқда. Буюк Ипак йўлининг қадимий шукуҳидан фойдаланишда изланилмоқда. Айниқса, Шарқ мамлакатлари қадимий маданият маскани ҳисобланган Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистонга маънавият гўшаси маъносида эътибор қилмоқдалар. Шунингдек, юртбошимизнинг донишмандлик билан олиб бораётган саъй-ҳаракатлари, оқилона сиёсатлари билан динимизга бўлган муносабат тубдан ўзгардики, бундан халқимиз мамнуният ҳосил қилмоқдалар.

Шарқона анъаналар, маросимлар яна тикланмоқда. Оқибат, саҳоватпешалик, ўзбекона ахлоқ-одоб доирасида тарбия топиш учун имкониятлар яратилмоқда. Ёшларимизнинг билим олишлари, келажакда ажойиб инсон ва мутахассис бўлиб етишишлари учун ғамхўрлик қилинмоқда. Бугунги баъзи қийинчиликлар ўтиш даврининг асоратларидир. Янгича ҳаёт, янгича тузумга ўтиш ўз самарасини беражак. Ўйлайманки, яқин келажакда хўжалигимизнинг барча соҳаларида оқил, холис, айни пайтда мард ва тадбиркор кишилар иш юритадилар. Бир сўз билан айтганда, ҳар жиҳатдан имкониятлари бисёр давлатлардан бири сифатида жаҳонга юз кўрсатган Ўзбекистон дорилламон замонлар сари дадил одимлайверади.

БУНАҚАСИ БЎЛМАГАН ЭДИ

Тангибой ПЎЛАТОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.

— Маориф ҳар бир давлатда ёш авлодни тарбиялашда муҳим омил саналади. Биз маорифчилар бундай фахрли ва масъулиятли вазифанинг юкини кўтариб турганлигимизни ҳамиша ҳис этамиз. Мен ўзим чорак асрдан бери ёшлар билан мулоқотда бўлиб келмоқдаман. Зеро, замонларнинг бундай ўзгариши, истиқлол шабадаси эсиши ҳақида ўйлашга фурсат бўлмаган. Мана, мустақиллик қуёши барқ урганига ҳам бир йилдан ошди. Ҳеч иккиланмай, Президентимизга овоз берганим билан фахрланаман.

Кези келганда мен маорифчилар номидан давлатбошимизга чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирмоқчиман. Боиси, шўролар даврида муаллим ва ўқитувчиларнинг обрўсига путур етганди. Ўтган бир йилда бизнинг соҳамизда қанчалик ўзгаришлар амалга оширилди. Маориф ва тарбия соҳасида яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида гап йўқ. Жами маошларимиз ўттиз баробар ошди.

Президентимизнинг ёш авлоднинг тарбиясига катта аҳамият бераётганининг боиси бор, албатта. Чунки, мустақил Ўзбекистоннинг эгалари бугунги кунда мактаб партасида ўтирган ўқувчилардир. Болаларни хорижданги мактабларга ўқишга юбориш, республиканинг ўзида четдан таклиф қилинган мутахассислар ёрдамида билим бериш, савиясини оширишга дахлдор кўпгина ишлар қилинмоқда. Хулоса қилиб айтганда, сайлаб олган Президентимиз Ислом Каримов олиб бораётган сиёсий-иқтисодий сиёсатдан беҳад миннатдормиз. Биз маорифчилар ўзимизга билдирилган юксак ишончни оқлашга ҳаракат қиламиз.

САНЪАТКОР СЎЗИМ

Ёқуб АҲМЕДОВ,
халқ артисти

— Ўйлаб қарасам, Президент сайловидан кейин ўтган давр қисқа, аммо мазмунли кечди. Мана шу ўтган умримга, баҳоли қудрат қилган хизматларимга шукроналар айтиб, аввало Президентимизга ташаккуримни изҳор этгим келади. Нега десангиз, ҳаммамиз ҳам оилалимиз. Билъакс, катта-кичик оилалар бирлашиб мустақил Ўзбекистон оиласи деган тушунча юзага келади. Атрофга бир назар ташлайлик. Нималар бўляпти ўзи. Газета ўқиймиз, ойнаи жаҳонга боқамиз. Тожикистонда нима гап, Кавказ ортидаги воқеалар тинчидими, деган хаёлларга борамиз, ташвиш тортамиз. Президентимиздан миннатдорлигимнинг боиси ҳам шундаки, юртимиз тинч, оиламиз тинч. Инсон учун яна нима керак. Худо кўрсатмасин, ноҳушлик юз берса, ҳаётимиз издан чиқса, нима бўлади?!

У ёғини сўрасангиз, юртимизнинг жаҳон миқёсидаги обрўсини ортиб бораётгани ҳам шундан. Ишларимиз юришиб, давлатимиз бойиб, турмушимиз фаровонлашиб борган сайин санъатсевар халқимизнинг завқи ҳам ошаверади. Ажаб эмас, замонлар келиб юртимизда ҳам ривожланган мамлакатларда бўлгани сингари Президент театри ташкил этилса. Биз халқимизнинг маънавиятни бойитиш, маданий хизмат кўрсатиш учун бор маҳоратимизни ишга солаверамиз.

• Дуоларимиз мустажо бўлгай

ШУКРОНА АЙТАЙЛИК, АЗИЗЛАР

Ёшим 80 дан ошди. Подшолик, шўролар даврини бошдан кечирдим. Толеим бор экан, шукрким мустақиллик, истиқлолни ҳам кўриб турибман. Эҳҳэ, бу кунларни ким лар орзу қилмаганди...

Николай подшо халқимизнинг мард, ботир ўғлонларини мардикорликка олди. Кейин, қўлидан иш келадиганлар қулоққа чиқарилди. Зиёлиларимизни «душман» дедик. Ватан уришида-ку минглаб йигитлар шаҳид кетдилар. Турмуш ўртоғимдан ҳам қора хат келган.

Кейин эса... Қадриятларимизни топташга тушдилар. Азиз юртдошларим, жигарғўшаларим, мен ҳам сизлар каби Ўзбекистоннинг, мустақил ўлканинг бир фарзандиман. Қариликка йўйманг, гоҳо ҳаяжон-у қувончдан тўлиб тошаман. Конституциямиз қабул қилинган куни севинчдан кўзларим ёшланди. Байроғимиз, Мадҳиямизни айтмайсизми?! Ўзингиз ўйлаб кўринг. Йил бўйи юртимизда бирор кишининг бурни беҳуда қонадими? Йўқ, албатта. Чунки, Президентимиз фақат бизни ўйлаяпти, осойишталигимизни кўзлаяпти. Кўнглимизни кўтарадиган, турмушимизни енгиллатадиган фармонлар чиқараяпти.

Ҳамқишлоқлар Президентимизни дуо қилишгани қилишган. Сабаби, Ислом Каримов айрим раҳбарларга ўхшаб юрт жиловини бўш қўймади, ўз сўзида турди. Халқ ўртасида обрў топди. Бозор иқтисодига мослашиш важидан қийматчилик бўлса-да, қаҳатчиликка йўл қўйилмаяпти. Ўйлайманки, ҳаммамиз ҳам Ислом Каримов учун овоз бериб, адашмаган эканмиз.

Мен кўп сайловларни кўрган аёлман. Илгари биздан «катта» ким бўлади, деб сўрашмаган. Шўролар даврида эса юқоридан тайинланганига овоз бериб, қутулардик. Мустақил республика Президенти сайлашда эса ҳеч ким тазйиқ ўтказгани йўқ. Қалб амрига бўйсундик.

Халқимизни яхши кунларга бошлаётган, унинг тинчини ўйлаётган мард, жасур, фидойи Президентимизга оллоҳнинг ўзи мададкор бўлсин.

Норбиби МАЪРУПОВА,
Самарқанд район «Ғалаба» жамоа хўжалиги, «Бойдуқоф» қишлоғидаги нафақахўр.

• *Муштарий мактублари*

МУҲИМИ—ТИНЧЛИК БЎЛСИН

Юртимизда мустақиллик қарор топганига ҳам йил тўлди. Халқ ўзи катта ишонч билдириб, орзу-умидлар билан юртбоши сайлаганига ҳам. Биз қишлоқ одамлари оғир меҳнатимиз эндиликда ҳамиша инобатга олинаётганидан мамнунмиз. Айнан Президентимизнинг шу соҳада олиб бораётган одил сиёсати дилимизга шуур бағишлайди.

Тинчлик, осойишталик барқарор бўлмаган тупроқда гиёҳ ҳам унмайди. Диёримиз тинч бўлса, юртбошимиз омон бўлса, тупроғимиз ҳамиша гуллаб-яшнайверади.

Ж. ТУЙЧИЕВА,
Андижон вилояти, муаллима.

ЎҒЛИМ ЖЎНАТМАНГ, ДЕГАНДИ...

Оддий бир деҳқонман. Подшолар ҳақида сўз айтишга менга йўл бўлсин. Аммо дилимдагини айтмасам ҳам бўлмайди. Президент Каримовни фақат телевизордагина кўрганман. Бу одамдаги оғир-вазминлик, ўзини эркин тутиши, ўзбекона ғурури менга ёқади. Қараб туриб, баъзи бир маҳаллий калондимоғ раҳбарлар ундан ўрнак олса экан, дейман.

Ўғлим ёзганимни ўқиб, юборманг, барибир чиқаришмайди, деди. Мен унга қулоқ солмай жўнатдим. Ҳа, энди кўрарсизлар.

Т. ОТАХОНОВ,
Марҳамат райони, колхозчи.

МЕҲНАТСИЗ РОҲАТ ЙЎҚ

Мени бир нарса таажжубга солиб келади. Мана, СССР энди йўқ, республикамиз алоҳида давлат бўлди. Қийинчилик, етишмовчилик кўп. Аммо Россиядаги ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган шаҳарлик иззатталаблардан ўрганибми, фақат ҳукуматдан нолишу бировни танқид қилишдан бошқани билмайдиган юртдошларимиз қачон англаб етаркинлар меҳнатсиз роҳат бўлмаслигини. Президент томонидан шу бир йил ичида амалга оширилган ишлар бутун совет давридаги қоғозда қолиб кетган ҳаёлий режалардан ўн чандон баракали эмасми?

Ўзимдан қиёс: икки йилдирки, ижарага ер олиб картошка, сабзи, маккажўхори экаман. Қилган меҳнатимга яраша даромад ҳам мўмайгина. Икки ўғлим институтда ўқияпти. Ҳозир тўй қилишга тараддуд кўряпман. Яна бир томондан ҳукумат ҳам манфаатдор, чунки, ҳосилнинг маълум қисми давлатга топширилади-да, шартномага кўра. Билиб-билмай сиёсатга аралашиб Президентимиз ва ҳукуматимизнинг олиб бораётган ишларига тўғаноқ бўлгандан кўра, яратилган эркинликлардан оқилона фойдаланиб, меҳнат қилиб, ҳалол турмуш кечирган маъқул эмасми?

Узоқ ҚУЙБОҚОВ,
Бахмал райони, «Нурли қўёш» давлат хўжалиги.

1993 йилда ўқийсиз



Газетамизнинг ўтган сонида сиз, азиз муштарийларни Янги йилнинг 1 январидан бошлаб «Темур тузуклари» эълон қилинишини хабардор этган эдик. Хўш, бу қандай асар? Нима учун уни ўз вақтида француз, инглиз, форс, урду, рус ва эски ўзбек тилига таржима қилишган. Таҳририят нега айнан «Темур тузук»ларини газета саҳифаларида чоп этишга қарор қилди?

«Темур тузуклари», энг аввало, бу фақат буюк бобомиз Амир Темурнинг таржимаи ҳолидан иборат эмас. Балки, бизга она Ватан, ота юрт бўлган Мовароуннаҳрнинг ҳали яхши ўрганилмаган қариб 60 йиллик ижтимоий-сиёсий тарихидир. Иккинчидан, бу асар буюк соҳибқирон асос солган нисбатан марказлашган феодал давлатнинг тузилиши, XIV асрда жаҳонга даҳшат солган Темур қўшинининг таркиби, феодал муносабатлари, ахлоқ-одоб масалалари тўғрисида сўз юритувчи бебаҳо манбадир. Қолаверса, у Темур шахсининг нақадар зиддиятли эканлигини очиб беради.

Албатта, булар умумий гап-сўзлар. «Темур тузуклари» қандай асарлигига у билан тўла танишиб чиққанингиздан кейин, ўзингиз баҳо берасиз. Китобдан оладиган таассуротларингиз, фикр-мулоҳазаларингиз билан редакцияни ошно қиласиз, деган умиддамиз. «Темур тузуклари» баҳона аждодларимиз тарихига, қадимий маданиятимизга, бебаҳо урф-одатларимизга онд яна бошқа асарларни ҳам ўқиш истаги пайдо бўлиши мумкин. Тортинмай, бизга ёзиб юборинг. Талаб ва хоҳишингиз бош устига — бажарамиз.

Хуллас, яна икки кундан сўнг...

«Жиззах овози»—60 ёшда

ҲАЁТ САБОҒИ

Жиззах музофотининг тарихини ўзида намоён этган газетада ишлаш катта фахр ва иftихордирки, уни сўз билан таърифлашнинг ўзи кифоя қилмайди. Чунки, шу газета ўнлаб жиззахлик ижодкорларга қалам тутқазибгина қолмасдан, балки уларни ўз бағрида тарбиялади, илҳом манбаи бўлиб хизмат қилди.

Улкан давлат ва жамоат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидовнинг илк ҳаёт ва ижод йўли ҳам шу газета билан чамбарчас боғлиқдир. Бахт ва шодлик куйчиси Ҳамид Олимжон, Назир Сафаров, Орифжон Икромов, Қодиржон Имомов, Насрулло Охундий, Шукур Саъдулла, Жўра Аҳмаджон, Назиржон Баракаев, Аҳмаджон Исмоилов сингари таниқли адибларнинг илк асарлари шу газетада чоп этилди, шу редакцияда уларга катта ҳаётга йўлланма, оқ фотиҳа берилганди.

Жиззахнинг кўрки ва шукуҳини, унинг бой ижтимоий-иқтисодий тараққиётини ёритишни мақсад қилган газетага 1932 йилнинг август ойида асос солинган эди. Шу йилдан бошлаб унинг саҳифаларида нафақат Жиззах районининг, балки қўшни Фориш, Ғаллаорол, Зомин меҳнаткашларининг ҳаёти ҳам кенг ёритилади. Унгаداستлаб Ҳусан Умаров муҳаррирлик қилган бўлса, кейинчалик Маҳмуд Ғозиҳонов раҳбар бўлди. Ўша йилларда газета ўз атрофига кўплаб қишлоқ мухбирларини бирлаштирди. Мунаввар Турсунов, Ҳайдар Эгамбердиев, Лапас Ўташев, Карим Фозилов, Аброр Азимов, Йўлдош Тошпўлатовлар шулар жумласидан эди.

1934 йилга келиб газетанинг сайёр таҳририяти фаолият кўрсата бошлади. Тоқчилиқ қишлоқ кенгаши, «Октябрь 10 йиллиги», Будённий номли жамоа хўжаликларида кўп нусхали хабарномалар чиқарила бошланди. Кўп ўтмай газета қошида район радиоси фаолият кўрсата бошлади. Эшитгиларни Маъмур Зарипов, Ибодат Тешабоева, Турсунбой Султоновлар олиб боришди.

Газетанинг биринчи сони Самарқанд шаҳрида чоп этилган бўлса, 1932 йилнинг октябрига келиб Жиззахда илк босмахонага асос солинди. М. Умаров, Н. Персель, С. Тешабоева, Н. Аҳмедов, Тухфатулин, Мадиёров, Р. Одиловлар босмахонанинг қалдирғоч ишчиларидандир. 1934 йилдан бошлаб эса Ғаллаорол, Зомин районларининг алоҳида ташкил топган газеталари шу босмахонада чоп этила бошланди.

1962 йилнинг июнь ойидан бошлаб бу нашр районлараро газетага айлантирилди. У Самарқанд вилояти партия қўмитаси ва халқ депутатлари вилоят кенгашининг органи ҳисобланарди. Маъмур Зарипов, Омонмурод Файзимуродов, Юсуф Йўлдошев, Хўжам Исроилов, Тожи Одилов сингари забардаст журналистлар муҳаррирлигида газета «Социализм ғалабаси», «Социализм йўли», «Коммунизм сари» номлари билан аталиб, эндиликда ҳақиқий «Жиззах овози»га айланди.

1989 йилдан буён шаҳар ва район газетаси сифатида фаолият кўрсатаётган бу хабарнома айниқса, кейинги йилларда жуда оммалашди. Унинг бағрида камолотга етиб, эл ўртасида ҳурмат қозонган беш нафар журналистнинг номи абадийлаштирилди. Н. Баракаев, А. Исмоилов, Х. Исроилов, Н. Қаршибоев, О. Файзимуродовлар шулар жумласидандир. Ёки бу ҳаёт мактабида тарбияланганларнинг 6 нафари Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими унвонига эга, 5 нафари ёзувчилар, 34 нафари республика журналистлар уюшмаси аъзоларидир.

Серқуёш республикамизнинг мустақиллигини ёруғ юз билан кутиб олган таҳририят ижодий жамоаси ўзининг фахрийси Ш. Рашидов ҳақида илк оқлов мақоласини эълон қилиб, халқ олқиши-ю ҳурматига сазовор бўлди. Ўнлаб ор-номуси, шони ва шарафи топталган жиззахликларнинг қадриятини тиклашда жонбозлик кўрсатилди. Шунинг учун ҳам у эндиликда ҳафтада илк марта «Ўзбекистон овози» ҳажмида 7 минг нусхада чоп этилмоқда. «Жиззах овози»ни нафақат шаҳар ва район, балки вилоят аҳолиси олиб ўқимоқда. Ўзининг кичик корхонаси, алоҳида кўркам биноси, боғига эга. Таҳририят келгусида ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш учун бутун чораларни ишга солмоқда.

Юбилей арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 1992 йил 27 октябрдаги Фармонига мувофиқ газетанинг 6 нафар ходимига республикамизнинг фахрий унвонлари ва ёрлиқлари берилиши қувончли воқеа бўлди. Маҳаллий ҳокимлик эса шаҳар ва район ҳудудида ходимларимизнинг транспортда бепул юришини таъминлаш тўғрисида фармойиш чиқарди. Кўплаб шаҳар ва район ташкилотлари газетага ҳомийлик қилиш ташаббусини бошлаб берди. Буларнинг ҳаммаси газета ўзининг ҳақиқий «Овози»га эгалигидан далолатдир.

Акром ИНОМОВ,
газета бош муҳаррири, республикада хизмат кўрсатган журналист.

С. МАҲКАМОВ
олган сурат.

Ёшлик

ЖУРНАЛИ МЕҲМОНИМИЗ

Ёшларнинг адабий, ижтимоий журнали

«Ёшлик» журнали ўзининг ўн ёшини иқтисодий танглик шароитида кутиб олди. Аммо, таъкидлаш жоизки, журнал ҳамон ўз кўркию қувватини йўқотган эмас, аксинча, янги ижодий кучлар ҳисобига тағинда ранг-баранг тус олди. Айниқса, кейинги сонларини кузатиб бораётган бўлсангиз, мавзулар хилма-хиллиги ва мазмунан янада бойлигининг гувоҳи бўласиз.

Янги пайдо бўлган «Жажжи дарслик», «Ўқитувчи айтар сўз», «Муштарийнинг дил рози», «Хориждаги ҳаммиллатлар», «Тилсимли дунё бу», «Талабанинг кўнгил дафтари», «Шариат ва жамият» каби қатор рукнларнинг ўзиёқ «Ёшлик» ўқувчилари қатламининг кенгайиб бораётганини кўрсатади. Журналда талабаю муаллим, ишчию деҳқон, «буюгу нобуюк» — барча ярқ этиб кўзга кўринаётган ижодкорларнинг асарларини биринчи бўлиб учратасиз. Бир сўз билан айтганда, «Ёшлик» бугунги бозор шароитида жанговар нашр сифатида майдонда турибди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳаммуассис бўлган бу нашр ёш фирқа аъзолари, уларнинг қувончу ташвишлари, орзу интилишлари ҳақида ҳам атрофлича ҳикоя қилаётир.

Қуйида журналнинг 11—12-сонларида ёритилаётган асарларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола қилаяпмиз.

«Ёшлик»нинг бу сонида «Жажжи дарслик» рукни остида Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева ижодидан намуналар ҳамда шоиранинг ўзи ҳақидаги маълумот лар билан танишасиз. Эътиборингизга ҳавола этилаётган мазкур лавҳа дарсликдан кичик парча, холос.

• Жажжи дарслик

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА

ЎЗИМ ҲАҚИМДА

...Ижодкор бўлиб озгина нимагадир эришган бўлсам, бунинг учун мен аввало бориб ўз онам Шарофатхон Хонназар қизи, отам Умматқулбой Худойберди ўғлини (аслида у киши амаким. Бизникилар ака-укалар, опасингилларга уйланишган экан) қабрларини зиёрат қилишим, кейин онаизорим Қаршигул Хонназар қизининг пойига бошимни қўйиб кўнглимни изҳор қилмоғим, кўз ёш тўкмоғим керак, деб ўйлайман.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлашни истардимки, амаким, отамнинг иккинчи акасини элда Маматқул бахши дейишарди. Китобимда чоп этилган «Кўзи борлар тўғри йўлдан юрмаса», «Бахшининг тўйдаги айтганлари» ва шу каби бир талай бахшиёналар шу кишининг руҳи олдидаги қарздорлик ҳиссси билан битилгандир...

...Бундан буёғи дейиш мумкинки, Сизнинг кўз ўнгингизда кечди. Дорилфунуннинг журналистика кулиётида сабоқ ола бошлаган дастлабки йилларим, 1969 йили «Илк муҳаббат» китобим босмадан чиқди, кейин орқама-орқа 1973 йили «Оқ олмалар», 1974 йили «Чаман», 1977 йили «Бобоқўёш», 1978 йили «Суянч тоғлари», 1979 йили «Иссиқ қор», 1976 йили «Гордость», 1987 йили «Муқаддас аёл», 1991 йили «Юрагимнинг оғриқ нуқталари», 1990 йили татар драматурги Тўфон Минуллиннинг «Алла» драмасини ўзбекчага таржима қилдим. Асар Ҳамза театрида қўйиляпти. Бу орада — 1975-77 йилларда Москвада Горький номидаги жаҳон адабиёти институтининг Олий курсларида таҳсил олиб қайтдим. Ҳиндистонда туркум шеърларим босилганлиги ҳақида ҳинд шоири Анил Жанвижайдан хат олдим. Американинг «Умид» журналининг бош муҳаррири Иброҳим Юксал ижодим ҳақидаги мақола ва шеърларимни катта муҳаббат, иштиёқ билан эълон қилганликларини айтиб менга журналнинг ўша сонини тақдим этди. Шеърларим собиқ Иттифоқдаги барча жумҳуриятлар тилларида босилган, босилянти.

«Ўш-Ўзган фожиаси» кўнглимни қанчалар сирқиратгани Сизга маълум

БИЗЛАР ОЖИЗ

Биз қайдаю ҳақиқат — ҳаққа
Бағр очган осмон қаерда,
Шарпа сезсак тўхтаймиз таққа
Юрагида арслон қаерда?

Ҳали узоқ бизлар чўкиб тиз
Яшагаймиз, ҳоқон қаерда,
Тўниб, музлаб қолган қонимиз
Алмаштирмоққа қон қаерда?

Иў-ўқ! Гадчанд кетмади шўримиз
Очимиз оч, тўқимиз тўйган.
Бизлар ожиз она бўримиз
Болаларин одамлар сўйган.

Бугун дунёи дун тескари,
Бўриларни одамлар тишлар
Сенга одам бўлиб ўсгани
Йўл қўймайди бугунги ишлар.

Кўз ёшимиз кетгандир қуриб
Қон ювмоққа кўз ёш етмайди.
«Боласининг қасосин бўри
Ўз гўрига олиб кетмайди...».

Бу ёғи кўнглимизга мустақиллик берган озуғлар, ғурурлар...

НАСР

Пиримқул ҚОДИРОВ

...Подполковник қизариббўзариб, мендан норози бўлиб чиқиб кетди. Мен Ёзувчилар уюшмасида бу воқеани батафсил айтиб бердим. «Шукур истеъдодли ёзувчи, биргалашиб ҳимоя қилишимиз керак», — деган фикр бўлди. Кейинчалик Шукурнинг ўша китоби босилиб чиқди.

Аммо мен подполковникнинг гапини қайтаргим, яна унинг сирини уюшмада айтиб берганим учун ДХҚнинг қаҳрини келтирган бўлишим керак. Турган гапки, Италияга борадиган делегация таркибидан тушириб қолдирилдим. 1985 йилдан 1988 йилгача — уч йил давомида «Бобур» романига ҳужум уюштирилиб, «Авлодлар довони»нинг йўли тўсилиб қолганида бу ташкилот ва унинг кўнгирсоч подполковниги қайта-қайта ёдимга тушди. Раъно Абдуллаева ва Инъомжон Усмонхўжаевлар юксак лавозимларидан кетганидан сўнг «Авлодлар»нинг йўли сал очилгандай бўлди-ю, «Шарқ юлдузи» журнали романни 1988 йилнинг апрель сонидан бошлаб босишга тайёрлади. Бу орада «Гулистон» журналида Н. А. Муҳиддиновнинг «Бобур» номли эсдаликлари уч сонда давомли босилди. Мен буни ҳам яхшилик аломати деб ўйлаган эдим. Лекин Марказқўмга биринчи котиб бўлиб келган Р. Н. Нишонов 1988 йил 7 март куни тўсатдан қатор ёзувчиларни йиғиб, сиёсий ҳушёрликни бўшаштириб юборганимиз ҳақида тоталитар давр руҳида совуқ бир нутқ сўзлади. «Яна Бобурни идеаллаштириш давом этяпти, ҳолбуки Марказқўмнинг учинчи пленумида П. Қодировнинг «Бобур» романи жиддий танқид қилинган эди, шунинг учун, «Гулистон» журналининг бир эмас, уч сонида яна Бобур ҳақида нима учун мақолалар босилиб чиқди? Бу кимга керак бўлди?».

Ўша куни Норбой Худойберганов Р. Н. Нишоновга менинг кўнглимдаги саволни берди: «Абдуллаева нуқул Бобурга қарши гапирар эди. Сиз ҳам бугун шу руҳда сўзладингиз. Сизнинг Бобурга муносабатингиз билан Абдуллаеванинг Бобурга муносабатида қандай фарқ бор?». Р. Н. Нишонов бу саволга жавоб беролмай тутилиб қолди. «Катта фарқ бор! Катта фарқ!» дейишдан нарига ўтолмай, гапни бошқа мавзуга бурди.

У пайтда ҳали эскича иш услуби ҳукмрон, Марказқўмнинг биринчи котиби буюрган кўрсатма бажарилмай қолмас эди. Юқорида Бобур ҳақида айтилган гапларда «унинг авлодлари ҳақидаги романни босмаслик керак» деган кўрсатма бор эди. Журнал бош муҳаррири Ўткир Ҳошимов ва ўша пайтда Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг биринчи котиби Одил Ёқубов раҳбарнинг адолатсиз кўрсатмасидан ҳар қанча норози бўлсалар ҳам, ноилож, романни тўхтатишга мажбур бўлишди. Тўртинчи соннинг корректураси келган, навбатдаги сон ҳам терилмоқда эди. Романнинг терилган қисми «сочиб» юборилди. Мен энг оғир руҳий қийноқлар чангалига тушган ўша кунлар Ёзувчилар уюшмамиз йиғинларида ҳалиги қўнғирсоч подполковникни бир неча марта кўрдим. У энди бизнинг ижодий уюшмамизни очиқчасига назорат қилиб юрар, менга эса ғолибона кўз ташлаб қўярди.

«Етиб қолгунча, отиб қол», деганларидек, мен ҳам тирашиб, курашиб Одил Ёқубов ва Ўткир Ҳошимовга тинчлик бермадим, ахийри журналнинг ўша йили кузги сонларида романни чиқардик. Орадан етти-саккиз ой ўтмасдан Р. Н. Нишонов ҳам юксак лавозимидан кетди.

Шукрлар бўлсинки, шундан кейин вазият ҳақ томонга астойдил бурила бошлади. И. А. Каримовнинг республикага раҳбар бўлиб келиши кўп адолатсизликларни бартараф қилди. ДХҚ генерали ва подполковникларининг бизга хўжайинлик қилишларига чек қўйди. Доим Москвадан юбориладиган бу генералларнинг охиргиси 1990 йилда Ўзбекистон халқ ноиблари ҳузурида тикка туриб, парламентимиз тасдиғидан ўтказилди.

Бу борада мен ҳам парламентга сайланган эдим. Миллатлараро муносабатлар қўмитасида ишлаганим учун чет элларда, бошқа миллатлар орасида яшаётган ватандошлар билан алоқани яхшилаш менинг вазифаларимдан бири эди. Собиқ «Ватан» жамияти узоқ вақт ДХҚ ҳукми остида ишлагани учун хориждаги ватандошлар ундан чўчир эдилар. Бироқ энди вазият ўзгарганини, собиқ ДХҚдан Ўзбекистон Олий Кенгаши баландроқ туришини кўрсатиш мақсадида бўлса керак, 1990 йилнинг кузида «Ватан» жамиятидан Туркияга борадиган маданият ходимлари делегациясига мени бошлиқ қилиб юборишди.

Қўлимда халқ ноиби дахлсизлигини таъминлайдиган кўк муқовали дипломатик паспорт. Ҳамроҳларим истеъдодли хонанда Ғуломжон Ёқубов ва унинг шогирдлари. Боришимиз ҳам, келишимиз ҳам илгариги ўринсиз таъқиқлардан, сиёсий ва ғоявий чекинишлардан бутунлай ҳоли бўлди. Масъулият ва интизом эмин-эркин сафар қилишга мутлақо ҳалақит бермас экан. Икки ҳафта давомида Туркия бўйлаб яйраб саёҳат қилар эканмиз, аввалги таъқиқлар чангалзори ёдимизга тушарди. Ўзимга ўзим:

— Уларсиз ҳам мумкин экан-ку! — дердим.

МУМКИН ЭКАН-КУ

Таниқли ёзувчи Пиримқул Қодиров қаламига мансуб «Мумкин экан-ку» бадиасини тўлиқ ҳолда журналнинг 11—12-сонларида ўқийсиз.

НАЗМ

Азим СУЮН



Келдим яна, ота тоғлар,
Ота тоғлар, она тоғлар,
Чечакларинг дилим боғлар,
Мендек хаста эмас — соғлар

Ай кўзлари сузикларим —
Соғинганман сузукларим,
Воҳ, сувлари муздакларим,
Айрилганман неча чоғлар

Алқорларинг қояларда
Тўйинадир қиёқлар-да,
Мен юрибман қаёқларда
Юракларим тўла доғлар.

Водомларинг сочиларми,
Очиқ кўнглим очиларми,
Ё сендан-да қочиларми,
Оҳ, сўроқлар, оҳ, сўроқлар...

Ҳамроқул АСҚАР

Ўзга юртда нотаниш бир қиз
Йўл сўради, кўзларида сир.
Танҳо эди кўзлари наргис,
Мен ҳам бунда ёлғиз мусофир.

Йўл сўраган нотаниш дилбар,
Ол юзларинг топмасми тўзим.
Ўзгалардан сўрмагин зинҳор,
Тўғри йўлни билурман ўзим.

Ул майлга айлаб ихтиёр,
Кўзларимга боқди хайриҳоҳ.
Гул чеҳрада барқ урган баҳор,
Юрагимга кўчди баногоҳ.

Ёт шаҳарда билмасдан тиним,
Ҳамсафарим эди меҳрибон.

Бу шаҳарни билмам ким қурган,
Аён билмас мендан знёда.
Дунёдаги гўзал қиз билан
Кезиб чиқдим уни пиёда.

«ОЛМАХОНДАН СЎРАНГ...»

Сизга аввал маълум қилганимиздек, таҳририятимизга Олмахон Тожибой қизи номини сўраб қарийб ўн беш мингдан зиёд мактуб келди. Мактублар оқими ҳали-вери тугагани йўқ. Олмахон бу сафар бахт ва турмуш тақдирлари тўғрисида сўралган хатларга жавоб беради. Бу сизни «энди бошқаларни сарсон қилар экан-да» деган хулосага келтирмаслиги керак. У қурби етганча хатларга жавоб бермоқда. Бу йилдан ортган сўровларга, насиб бўлса, келаси йил ҳам журнал орқали ёки мактуб эгаларига жавобини маълум қилмоқчимиз.

Хатларнинг маълум қисмига Олмахон яқин орада чоп этилажак ўзининг «Олмахон башорат қилади» номли китобида жавоб бермоқчи. Хуллас, азизлар, ҳали ноумид бўлманг, журналимиз саҳифаларини сонма-сон кузатиб борнинг. Чунки Олмахоннинг ҳам, бизнинг ҳам Сиздан қарзимиз кўпайиб кетди..

• Олмахон, бахт ва турмуш ҳақида сўраб ёзилган мактублар хатларнинг аксариятини ташкил этади. Уларнинг ҳаммаси ҳам сизга ўтинч билан мурожаат этишган, яна қайси бири турмуш можаролари, тағин бири бефарзандликдан... ҳасрат, ҳасрат. Мисол учун Сирдарё шаҳридаги педагогика билим юртида таҳсил олаётган Наима исмли қиз мактуб йўллаган. Хўш, айтингчи, у қиз севган йигитига етишадими?

— Минг афсуски, бу дугонам севганига етишмайди шекилли. Йигитнинг ота-онаси норозилик билдирди. Бошқа йигитга турмушга чиқади. Йигит ўзидан уч ёш катта. Улар уч нафар фарзанд кўриб, осойишта ҳаёт кечиришади.

• Жиззах вилояти Зарбдор районининг бир хўжалигида яшовчи Нодира исмли аёл безовта қиляпти. Ўзингиз топинг, у бахтидан сўраяптими, тахтиданми?

— Кўзлари айтиб турибди, тахт нима керак бу аёлга.

— Бахтиданми бўлмаса?

— Албатта, Хўш, бу аёлга никоҳ ўқитилар чоғда банд тушибди, йўли бойланибди. Уйига сиғмайди, қаёққадир бош олиб кетгиси келади. Турмуш ўртоғини ёқтирмайди. Буларнинг турмуши яхшиланишига кўзим етмайди. Икки йилдан сўнг бошқа йигитга турмушга чиқиб, йўли очилади.

• Гагарин районига қарашли «Правда» давлат хўжалигида истиқомат қилувчи Комила деган қиз хат ёзяпти: «Олмахон опа...»

— Бўлди, давомини ўқиб ўтирманг. Комилахоннинг яқин кунларда бахти очилади. Ўзқариндошига турмушга чиқади. Момоси ҳислатли ўтган киши экан, Ўша кишининг руҳларини шод қилсин.

• НИГОҲ

• Бахт қайғуси қизларни қанчалик изтиробга солса, йигитларни ҳам шунчалик ўйлантиради. Шу боис барча йигитларни бирварақайига бевафога чиқариш ўринсиз. Буни Сизнинг номингизга хат йўллаётган бўйдоқлар нинг дил изҳоридан билиб олиш мумкин. Жумладан, Самарқанд шаҳрининг Охунбобоев кўчасида яшовчи Аброр деган йигит илинж билан «мен ҳам сева оламанми?» деб сўрабди.

— Севги ҳар бир инсоннинг қалбида қачонлардир пайдо бўлиши турган гап. Аброржон ўз севгилисини учратади. Фақат сал кечроқ. Шунинг учун умидсизликка тушиб ўтирмасин.

• Мана бу хат мазмуни эса тамоман унинг акси: хотини эрини сира ёқтирмайди, у билан яшаш жонига теккан, ҳаёти шу тарзда давом этаверса, ўз жонига қасд қилишга ҳам тайёр. Хатни Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон районидан Н-л деган келинчак ёзган.

— Синглим, оғир бўлинг. Ўзингизга суиқасд қилишни асло ўйламанг. Бу — оғир гуноҳ. Эрингизни севмасангиз, шу даражага бориб етиш керакми? «Бир кам дунё» деганлар, ҳеч кимнинг ҳам ҳаёти тўкис эмас. Мен сизнинг ҳаётингизда ёруғ кунларни кўряпман. Яхши мусулмон табибга учранг. Эрингизга ҳам шуни маслаҳат беринг.

(Давомини журналнинг ушбу сонида ўқийсиз).

Ким Брус Лининг машҳур «Аждарнинг қайтиши» фильмини кўрган бўлса яхши эсласа керак: ундаги жами воқеалар баайни шунга ўхшаш бир ресторанчада кечади. Ертўла-чи, ертўла ёдингиздадир? Гонконгдан ташриф буюрган кунфу устасини ресторан хизматчилари синаб кўриш мақсадида шу ерга бошлаб келишади. Брус машғулотларини «Раби чоу» худди шунга ўхшаш ертўлада давом эттирди. Шифтга қум тўлдирилган баҳайбат қоп осиб, бутун бўш вақтини машқларга бағишлади. Унинг мақсади битта — имкон қадар тезроқ чинакам кунфу устаси бўлиб етишиш эди. Бу мақсад сари йўл кундалик тинимсиз машаққатли меҳнат орқали ўтишини ҳам у жуда яхши англарди. Бора-бора у яна шуни ҳам англаб етдики, яккама-якка кураш санъати бутун олам экан ва унинг жами сир-асрорини эгаллаш учун юз умр ҳам озлик қилар экан. Шу билан бирга асл хитойлик сифатида устозларнинг «Ҳар бир юрагида чўғи бор ва ўзини ҳурмат қилувчи киши доимо юксак чўққи — Тайси сари интилмоғи даркор», деган қимматли ўгитини ҳам бир дақиқа бўлсин ёддан чиқармайди. Вақт яна шу нарсага унинг кўзини очдики, чинакам уста бўлиб етишмоқ учун фақат битта услубни эслаш кифоя эмас экан. Брус кунфунинг бошқа услубларини ҳам мукаммал ўрганишга қарор қилди. Бахтига, Сан-Франсисконинг у истиқомат қилувчи Чайнатаун мавзесида кунфунинг турли услубларидан хабардор кишилар топилиб қолди. Бу олтмишинчи йилларнинг бошланишига қарамай, Америко бўйлаб айни каратэ «вабоси» тарқалган бир пайтга тўғри келди. Тайинки, бу юқумли «касаллик» Брусга ҳам таъсир этмай қолмади. Асосий қуроли қўл ҳисобланувчи кунфудан фарқли ўлароқ, каратэ кураши рақибни оёқ билан маҳв этиш асосига қурилган экан. Шундай экан, бу амални ҳам мукаммал эгалламоқ лозим, деб қарор қилди Брус.

Брус Ли тўғрисидаги қизиқарли ҳикояни бутун ҳолида ушбу сонда ўқишга муяссар бўласиз.

(«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 31 декабрда чиқади).

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси.

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими — 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-89, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича 32-26-70.
Навбатчи муҳаррир: Ҳ. ЭРМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси. 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. • Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 00.00. Г — 512 № 255. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.